

ЎЎТ: 635.655,632.951

ЕРЁНҒОҚ ЎСИМЛИГИНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА СЎРУВЧИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛГАН ИНСЕКТИЦИДЛАРНИНГ САМАРАСИ.

Юсунов Шовкат Эргашович,
таянч докторант.

О.С.Амиркулов, қ.х.ф.ф.д.,

Аминова.Д., қ.х.ф.ф.д. лаборатория мудури,

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти

Аннотация: Ерёнғоқ экинида ўтказилаётган тадқиқотларда ерёнғоқ ўсимлигининг инсектицидларнинг ўсимлик ҳосилдорлик ҳамда 1000 та дон вазнига таъсири аниқлаш тадбирларини амалга оширилиши кўрсатилган.

Аннотация: В исследованиях, проведенных на культуре арахиса, показаны мероприятия по определению влияния инсектицидов на урожай и массу 1000 зерен растения арахиса.

Annotation: In the studies carried out in the peanut crop, measures to determine the effect of insecticides on the yield and weight of 1000 grains of the peanut plant are shown.

Калит сўзлар: Урожай арахиса, урожайность, вариант, 1000 зерен, бобовые, инсектицид, применение, возврат.

Ключевые слова: растения арахиса, урожайность, вариант, 1000 зерен, инсектицид, применение, отдача.

Key words: peanut crop, yield, option, 1000 grains, legume, insecticide, application, return.

Ерёнғоқ экинида сўрувчи ўргимчаккана, шира ва трипс зараркундалари ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичларига салбий таъсири кўрсатади. Ерёнғоқнинг сўрувчи зараркундаларига қарши инсектицидлар қўлланилгандан



сўнг таъсир муддати тугаши билан препаратни ҳашаротга зарари камайиши, қайта-қайта қўлланилган препаратларга ҳашаротларда иммунитет пайдо бўлади.

Ш.Т. Хўжаев, Н.Р. Саттаровларнинг фикрича ҳар гектарга 20-30 кг олтингугурт кукуни сарфлаб чангланганида биологик самарадорлик етарлича бўлмагани сабабли, уни эндиликда фақат ўргимчаккана тушган уялардаги ўсимликларнинг ҳар бирига 2-4 грамдан сарфлаб барг остига қўлда ишлов бериш лозим. 2. Олтингугуртнинг намланувчи кукуни билан (6 кг/га) сувга аралаштириб суспензия ҳолида ишлов бериш етарлича самара бермаслиги туфайли (самарадорлик 45-50%дан ошмайди) уни ОБХ русумли ҳаво ёрдамида пуркайдиган пуркагичлар билан ишлатмаслик лозим. Чунки пуркагич ўргимчакканани уялардан дала бўйича тарқатиб юбориши мумкин.

Ж.Б. Худайкулов М.Э. Амановаларнинг келтиришича “Саломат” нави Валенсия нав типига мансуб бўлиб, ўсимлик тик ўсувчи, пояси ўртача баландликда, дуккаги йирик. Дуккагининг шакли букри тўлқинсимон, сатҳи бироз чуқур, хира-сарик, пўсти ўрта-дағал, ёнғоғи 3 баъзан 4 уруғли, ўртаси бироз қисик, чоки ўртача, уруғининг ранги тўқ қизил, чўзинчоқ овалсимон шаклда. Нав ўртапишар, 138-140 кунда пишади. 1000 та уруғнинг вазни 540,0 г. Нав йирик мевали, йирик донли ва ҳосилдор. Техника билан йиғишга яроқли. Дуккагининг бирикиб туриши юқори-5,0 балл, пишиши 85,0%. Донининг ёғ миқдори 50,0%, оқсил 17,0%. Такрорий экин сифатида экишга тавсия этилади.

Ш.Т. Хўжаев, А.Ғ. Жамалов, К.Ш. Маматов таъкидлашича ерёнғоқни ўргимчаккана ёкн гўза тунлами қаттиқ шикастлаган пайкалда 80 % гача ҳосил озайиши мумкинлиги маълум булган. Аммо, шунга қарамай, бу соҳа мутлақо ўрганилмай келинган. Усимликларни ҳимоя қилишга нисбатаи бўлган замонавий талабларга кўра (уйғунлашган ҳимоя қилиш тизими УХҚТ) ҳамда биологик усул ва пестицидлар синтезининг ривожини назарда тутиб, ерёнғоқни сама рали ва хавфсиз ҳимояқилиш тизимини яратиш долзарблигини, ерёнғоқни ўргимчакканадан ҳимоя қилишда қабул қилинган барча олдини олиш тадбирларини ҳамда биологик ва




кимёвий кураш восита ва усулларини айниқса ўсимлик ўсишининг эрта муддатларида ўтказиш лозим та.

Ерэнғоқнинг турли ўсув даврида қўлланилган инсектицидларнинг ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичлари ўрганилганда турли вариантлар бўйича қуйидаги кўринишда бўлди.

Назорат (ишловсиз) биринчи вариантда 1000 дона дон вазни 394 гр, ҳосилдорлик 15 ц/гни ташкил этди. Нурелл стар 55% эм.к *циперметрин* 50 г/л + *хлорпиррофос* 500 г/л қўлланилган иккинчи вариантда 1000 дона дон вазни 480 гр, ҳосилдорлик ўртача 23 ц/гани ташкил қилди. Акара стар 72% к.э. *Гекситиазокс* 60% + *Пронаргит* 660 г/л қўлланилган 3-вариантда 1000 дона дон вазни ўртача 550 гр, ҳосилдорлик ўртача 28 ц/гани ташкил этди. Имидо стар 35% к.э *Имидоклоприд* 350 г/л инсектициди қўлланилган тўртинчи вариантда 1000 дона дон вазни 520 гр, ҳосилдорлик ўртача 26 ц/га,

Ерэнғоқ ўсимлиги сифат кўрсаткичлари





Вертимек стар 3,8 э.к *Абамектин* 38 г/л қўлланилган бешинчи вариантда 1000 дона дон вази 500 гр, ҳосилдорлик 24 ц/гани ташкил қилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки Акара стар 72% к.э. *Гекситиазокс* 60% + *Пропаргит* 660 г/л қўлланилган, Имидостар 35% к.э. *Имидоклоприд* 350 г/л қўлланилган вариантларда 1000 та дон вази ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан ажралиб турди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш. Т. Хўжаев, Р. О. Очилов, Д. Н. Нурмухаммедов. “Ўсимликларни химоя қилишда илғор тажриба” (Тошкент-2008) 69-72б.
2. Ж. Б. Худойқулов, М.Э. Аманов “Ерэнғоқ етиштириш” (11-китоб) (Агробанк-100 китоб) 64-77 б.
3. Ш. Т. Хўжаев, Н. Р. Сатторов “Сўрувчи зараркунандалар муаммоси” Агрокимё химоя ўсимликлар карантини илмий амалий журнал.2019-5.12-16 б

